

ДИНИЙ МАЪРИФАТ ЭЗГУЛИК ВА ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Давлат раҳбарига ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда диний маърифатни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида ахборот берилди.

Ўзбекистон — ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат. Конституциямизда ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланган. Минг шукри, юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити ҳукм сурмоқда. Барча дин вакиллари ибодат амалларини эмин-эркин адо этмоқда.

Охириг беш йилда диний-маърифий соҳага оид 3 та қонун, 4 та Президент фармони ва кўплаб қарорлар қабул қилинди. Йиғилишда уларнинг ижроси дин вакилларига хизмат қилаётгани қайд этилди.

Хусусан, юртимиз мусулмонлари учун шароитларни яхшилаш мақсадида 100 дан ортиқ масжид барпо этилди, 555 таси таъмирланди. Диний ташкилотлар учун бино қурилишига ер ажратиш тартиби жорий қилинди.

Ҳаж квотаси аввалгига қараганда 2 қарра оширилди. Кейинги етти йилда 60 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж амалларини бажарди. Умра сафарларини ташкил қилиш қонуний тартибга солинди.

Соҳада малака ва илм масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий тадқиқотларга замин бўлмоқда. Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, Имом Термизий ўрта махсус таълим муассасасида малакали мутахассислар тайёрланипти. Шунингдек, 30 минг фуқаро “Қуръони карим ва тажвид” курсларини тамомлади.

Қабристонларни обод қилиш — савобли иш. Сўнгги йилларда Абу Исо Термизий, Абу Муин Насафий, Султон Увайй Қараний, Сузук ота ёдгорлик мажмуалари обод қилинди. Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом цивилизацияси марказида

ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЭКСПОРТ ЯХШИЛАНМАС ЭКАН, МЕВА-САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШДА НАТИЖА БЎЛМАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 ноябрь куни мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда 4 миллион гектардан зиёд сугориладиган экин майдонлари бор. Уларда, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва иқтисодиёт тармоқлари учун хомашё етиштирилмоқда. Охириг йилларда пахта ва галла майдонларидан 260 минг гектар деҳқончилик учун ажратилган. Энди яна 104 минг гектар берилиши мўлжалланган.

Бу йил озиқ-овқат экспорти ўтган йилга нисбатан 370 миллион долларга кўпайиб, ҳозиргача 2 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистон ўрик экспорти бўйича дунёда учинчи, гилос ва шафтоли бўйича еттинчи, мош ва бошқа дуккакли маҳсулотлар бўйича ўнинчи ўринга чиқди. Биргина гилос 16 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Экспорт Қорақалпоғистон ва Жиззахда 2,2 баробар, Хоразмда 1,8 баробар ва Сурхондарёда 1,6 баробар кўпайган. Лекин айрим вилоят ва туманларда ўзгариш сезилмаган. Масалан, ери кўп бўлган Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларидаги ўсиш уларнинг имкониятига мос эмас. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида экспорт ўтган йилга нисбатан камайган.

Юртимизда 5 мингдан ортиқ кишлоқ маҳалласи бор. Туман маркази ва шаҳарларда яна 2 мингдан кўпроқ маҳалладаги хонадонлар томорқага эга. Лекин атиги мингта маҳаллага кўчат тарқатилиб, маҳсулотни сотиб олувчи тадбиркор бириктирилган. 26 та туманда томорқа хизмати йўлга қўйилмаган. Баъзи жойларда деҳқонларга сифатсиз уруғ сотилгани туфайли маҳсулот йўқотилган.

Шу боис, ҳар бир маҳалла, хонадон ва фермер хўжалигига Ўсимликлар карантини ва химойа агентлиги ходими бириктирилиши белгиланди.

Томорқа ва уйлар олди, маҳалладаги кўчалар бўйи, дала чети ва каналлар атрофида 650 минг гектар ер бор. Бу ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ва дарахтлар экиш учун яхши имконият. Энди бу ерларнинг аниқ ўлчами тасдиқланиб, “Агроплатформа”га киритилади. Аҳоли ва фермерлар сифатли уруғ танлаш, дори ва ўғитни тўғри қўллаш, маҳсулотни сифатли сақлашга ўргатилади.

Бу савй-ҳаракатни рағбатлантиришга катта енгилликлар берилади. Дала четини самарали ишлатган фермерларга тадбиркорлар рейтингига кўшимча балл ҳисобланади, ички фитосанитар сертификат би йил давомида бепул берилади. Фермернинг барча ерлари учун ер солигини икки йилга бўлиб тўлашга рухсат этилади. “Оилавий тадбиркорлик” дастуридаги 100 миллион сўмгача бўлган кредитлар соддалашган тизимда ажратилади. Дала четлари ҳисоби, етиштирилган маҳсулот ҳажми “e-Fitouz” портали орқали назорат қилиб берилади.

Маҳаллаларидаги кўчалар ва кўп қаватли уйлар атрофида 10 миллион туп узум экиш ташаббуси билдирилди. Улар ўсиб, ҳосилга киргунча Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши барча агротехник тадбирларга кўмаклашади. Маҳсулотларни сотиб олиш учун маҳаллалар экспортчи корхоналарга боғланади.

Йиғилишда мева-сабзавотларни қайта ишлаш масаласи таҳлил қилинди.

Пишиқчилик даврида нарх тушиб кетиши оқибатида қарам, лавлаги, пиез каби маҳсулотлар далада қолиб кетаяпти. Бу йил тарвузнинг ҳам катта қисми йиғиб олинмади. Ҳолбуки, эҳтиёждан ортган маҳсулотни қурийтиб, кукун шаклида экспорт қилиш мумкин, бунга қандолатчилик корхоналарида талаб катта.

Экспорт йил давомида бўлиши учун “шок” усулида музлатиш технологияси самарали. Шу боис, кишлоқ хўжалиги вазири ва вилоят ҳокимларига келаси йил шундай лойиҳаларни ишга тушириш топширилди.

Шунингдек, 10 та агрологистика маркази, мингдан ортиқ совиткичли омборхона ташкил этилади. 40 минг гектардан ортиқ санатлашган интенсив мевали боғ ва тоқзорлар барпо этилади.

Маълумки, жаҳон бозорига органик маҳсулотлар нархи 2-3 баробар қиммат. Юртимизда 10 та тумандаги 3 минг 900 гектар майдонда органик сертификат бор, холос. Андижон, Жиззах ва Хоразмда эса бундай маҳсулот етиштирилаётган бирорта ер йўқ.

Ваҳоланки, сув омборлари атрофида пестицид ишлатилмайдиган 2 минг гектар ерда экин етиштирилипти. Фақат уларга органик сертификат олиниб, тоза уруғ ва кўчатлар экилса бўлгани.

Шу каби имкониятлар кўрсатиб ўтилиб, мутасаддиларга 2025 йилда органик майдонлари 10 минг гектарга, келгуси уч йилда 100 минг гектарга етказиш вазифаси қўйилди.

Энди органик майдон ташкил қилган фермер ва деҳқонларга ерни лазер билан текислаш харажати давлат томонидан қоплаб берилади. “Органик”, “Глобал Гап”, “Ҳалол”, “Кошер” каби сертификатларни олиш харажатлари учун тадбиркорларга субсидия ажратилади.

Бу йил Ўмон Султонлигининг йирик савдо тармоқларида Ўзбекистон маҳсулотлари учун алоҳида раста ажратилиб, илк бор гилос, шафтоли ва ўрик экспорти йўлга қўйилди. Буни Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сингапур, Жанубий Корея, Япония ва Европада

ҳам кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Савдо ярмаркалари ташкил қилиш, фитосанитар рухсатнома олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Умуман, ушбу чора-тадбирлар орқали келгуси йилда мева-сабзавот экспортини 3,5 миллиард долларга етказиш мумкинлиги қайд этилди.

Йиғилишда, шунингдек, атроф-муҳитни асраш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Мутасаддилар Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаларининг бориши юзасидан ахборот берди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига яна бир бор эътибор қаратилди. Бу ҳаракат доирасида ҳар йили баҳор ва кузда 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланган. Шу пайтгача вазирилик, идора ва ҳокимликлар томонидан 257 та “яшил боғ” барпо этилиб, уларнинг сони 517 гага етган.

Президентимиз бу хайрли ишда давлат ташкилотлари намуна бўлиши, қурилиш компаниялари ижтимоий масъулият олиши кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда ижро интизоми масаласи ҳам таҳлил қилинди. Йил якунигача оз қолгани, белгиланган барча вазифаларни бажариш натижадорлигини ошириши қайд этилди.

Келгуси йил ҳар бир вазирилик, вилоят ва тумандаги ишларнинг тизимли ҳисоби олиб борилади. Бу электрон платформага ўтказилиб, сўров ҳам, маош ҳам шунга боғланади.

Бош вазирга ушбу тизимни йўлга қўйиб, ижро интизоми ва назоратини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И З.О.ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига мувофиқ, **Эркинжон Оқбутаевич Турдимов** бошқа ишга ўтиши муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 28 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И А.М.БОБОЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига мувофиқ, **Адиз Музафарович Бобоев** Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 28 ноябрь

Янги Ўзбекистон йўли Учинчи РЕНЕССАНСНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ЭТАМАН?

Учинчи Ренессансдек мураккаб феномен ҳодиса ҳақида ўйлар эканман, хаёлимга давлатимиз раҳбарининг Президент лавозимида энди иш бошлаган илк даври — 2016 йил 30 декабрда ўтказган тарихий йиғилиши келади. Ўша кун, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонда турли қийинчиликлар, маъмурий тўсиқларга қарамай меҳнат қилаётган минглаб олим, тадқиқотчиларнинг кўкрагига шабада теккан кун бўлди.



Айнан шу куни Президентимиз юртимиз олимлари, Фанлар академияси академиклари олдига нутқ сўзлаб, мамлакат ва миллатнинг бундан кейинги тараққиётини илм-фан ютуқларисиз тасаввур этиб бўлмаслигини таъкидлади.

Тасаввуримда бу учрашув мамлакат раҳбарининг узоқ йиллар давомида амалга ошириши армон бўлиб келган, аммо ҳеч қачон унга тинчлик бермаган масаланинг ечолини топиш, юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор яратиш сари дастлабки қадам эди.

Бир пайлар турли сабаблар билан ёпилиб кетган Фанлар академиясининг қатор институтлари, илмий марказлар қисқа муддатда тиклана бошлади. Тирикчилик ғамида жонажон

илмий марказларини тарқ этган йирик олиму мутахассислар хурсандлик билан институтларига, илмий марказларига қайтди. Уларнинг моддий аҳоли яхшиланиб, олимлик мақоми кўтарилди.

Замон талабига жавоб берадиган янгидан янги институтлар, илмий марказлар очилиб, олимларимизнинг хорижий шериклари билан илмий-техникавий етқоалари ва ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Турли сабаблар туфайли мамлакатимиздан кетиб, бошқа давлатлардаги илмий марказлар, лабораторияларда меҳнат қилаётган олимларимиз ватанга қайтди. Уларнинг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш тизими яратилди.

Кейинчалик — 2019 йил 10 сентябрда Тошкент шаҳрида илк бор Президент мактаби очилди. Унинг очилишида **биринчи маротаба Учинчи Ренессанс барпо этиш учун пойдевор қўйилгани қайд этилди.** Ўша йиғилишда давлатимиз раҳбари фахрий меҳмонлар китобига “**Янги Ўзбекистонни юксак тараққиёт босқичига кўтаришдек эзгу ниятимизга янгича ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини жонидан ортиқ севадиган, унинг ёруғ келажаги учун садоқат билан хизмат қиладиган фидойи ёшларни тарбиялаш орқали эришамиз**”, деган сўзларни ёзган.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

2024 йил 29 ноябрь, 243-сон
Юксалиш палласи

ЁШЛАР – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЧИНАКАМ ИШТИРОКЧИСИ

Ҳозирги даврда дунёдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар ечими тўғридан тўғри ёшлар билан боғлиқдир. Чунки бугунги ёшлар эртанинг етакчи кучи — лидерлари саналади.

Отабек СОБИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари

Дунё аҳолисининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этувчи ёшлар вакилларининг 89 фоизи кам ривожланган давлатларда истиқомат қилади. 2030 йилгача бўлган даврда дунё бўйича ёшларнинг улуши 7 фоиз ошиши кутилмоқда. Бу эса ёшлар масалаларига ва ёш авлодни вояга етказиш билан боғлиқ муаммоларга эътиборни қучайтириш заруратини талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенция қабул қилиш ташаббусини илгари суриш орқали ёшлар масалаларида халқаро ҳамжамият билан конструктив мулоқотни йўлга қўйишни — ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Ёшлар муаммоларини ҳал қилиш фақат бир давлатга тааллуқли масала эмас. Ўзаро боғлиқ дунёда ёшлар масалаларида халқаро ҳамкорлик, доимий конструктив мулоқот ҳамда халқаро форматлар доирасида мавжуд муаммоларга ечимлар ишлаб чиқиш бугунги давр талабидир.

Мамлакатимиз аҳолиси умумий сонининг 55 фоизидан ортиги, яъни қарийб 19 миллионини ёшлар ташкил этмоқда. Шу боис, ёшлар масалалари давлатимиз сиёсатида стратегик аҳамият касб этади. 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланган ҳам бежиз эмас. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳамонан равишда давлат дастури ишлаб чиқилиб, мазкур дастур асосида йил давомида улар билан ишлаш борасида янги ташаббуслар амалиётга татбиқ этилди.

Юртимизда сўнгги 8 йилда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 120 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Президентимиз ёшлар сиёсатида ҳам янгича ёндашув ва муносабатни илгари сурди. Бу йўналишга энг устувор аҳамият қаратиб, биринчи имзолаган ҳужжати ҳам “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун бўлди.

Мазкур қонунда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар ўз аксини топган. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг ваколатлари аниқ белгиланган.

2017 йил 30 июнь кунни мамлакатимиз ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мақсади ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ушбу сана республикамызда Ёшлар кўни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон шарафига ёшлар билан ишлаш, ёш авлод вакилларининг сиёсий,



Бугунги кунда ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган ёшларга оид давлат сиёсати уларнинг замон талаблари даражасида таълим олиши, ўсиб-улгайиши, ўз билим ва салоҳиятини намоеён этиши учун зарур шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги фармони билан тасдиқланган давлат дастурига асосан, Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатаси хузурида Ёшлар парламентлари ташкил этилди. Бу мамлакатимизнинг энг олий органи бўлган парламентда ёшларнинг сўзи ва овози юқори минбарлардан туриб янграшига хизмат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламентининг 150 аъзоси депутатлар билан биргаликда



қўллаб ташаббусларни амалга оширмоқда. Улар томонидан ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан 21 та қонун ҳужжатида 455 та таклиф илгари сурилди.

Жорий йилнинг 10 ойида Ёшлар парламенти аъзолари томонидан жами 2578 марта тadbирлар, учрашувлар ташкил этилиб, уларда 580 мингдан зиёд ёш қамраб олинди.

Ёшлар парламенти аъзолари давлат ва жамоат ташкилотлари билан бирга-

етакчилири билан биргаликда ижтимоий оғир аҳволда бўлган 289 ёшга моддий ёрдам ажратилишига, 178 талабанинг тўлов-контракт суммалари тўлаб берилишига, 25 нафар йигит-қизга тиббий асбоб-ускуналари олинишига, 1560 ёшнинг бепул тиббий кўриқдан ўтказилишига қўмаклашилди. Ёшлар парламенти аъзолари малакасини доимий ошириб бориш бўйича 21 марта қисқа муқдатли оффлайн маҳорат машғулотни ташкил этилиб, мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий йўналишлардаги ишловлар мазмун-моҳияти тушунирилди.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2023 йил 11 апрель кўни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириққа мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламентининг 150 аъзоси 21 та вазирлик ва идорага бириктирилди. Жорий йилнинг август-ноябрь ойларида мазкур вазирлик ва идоралар билан кичик ишчи гуруҳларнинг йиғилишлари ташкил этилди. Телеграм ижтимоий тармоғида алоҳида гуруҳлар шакллантирилди. Шу кунга қадар 10 та вазирлик раҳбарияти билан Ёшлар парламенти аъзоларининг қўшма йиғилишлари ўтказилиб, мавзуга оид таклифлар билдирилди.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллашти-

Халқаро эътироф

Жаҳон банки томонидан мамлакатларнинг статистик салоҳиятини ўрганиш ва баҳолаб бориш мақсадида янгиланган услубда ишлаб чиқилган Статистика фаолияти самарадорлиги индекси (Statistical Performance Indicators — SPI) эълон қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН БАНКИ ИНДЕКСИДА СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА КЎТАРИЛДИ

Улуғбек НОИПОВ,
Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

2000 йилларга келиб, дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари юқори сифатли, ишончли, тўлақонли ва долзарб, ўзаро солиштириш имконини берувчи статистик маълумотларга талабни оширди. Бу, ўз навбатида, мамлакатларнинг статистик салоҳиятини, мазкур йўналишда эришаётган ютуқларини ва тизимни ривожлантириш борасидаги ишловлар натижаларини баҳолаб боришни тақозо этди.

2004 йилда бу борада Жаҳон банки ташаббус кўрсатиб, Статистика салоҳияти индексини ишлаб чиқди. Мазкур индекс 154 мамлакатнинг статистик салоҳиятини ўрганади. Баҳолаш манбалари сифатида халқаро ташкилотлар ва



СТАТИСТИКА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ИНДЕКСИДА ЎЗБЕКИСТОН КЎРСАТКИЧЛАРИ ДИНАМИКАСИ



мамлакатларнинг миллий ахборот маконидagi (миллий статистика тизими иштирокчилари) маълумот базалари ҳамда уларга оид ҳужжатлардан фойдаланади.

Бугунги кунга келиб, трансформация жараёнлари, янги ахборот манбалари, фойдаланувчиларнинг статистик маълумотга бўлган эҳтиёжи жадал ўсиши ушбу индекснинг ҳисоблаш услубини такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Пировардида Жаҳон банки қатор халқаро ташкилотлар экспертларини жалб этган ҳолда мутлақо янгича ёндашув асосида ишлаб чиқилган Статистика фаолияти самарадорлиги индекси (SPI) услубиятини тақдим этди ҳамда 2022 ва 2023 йил якунлари бўйича натижаларини эълон қилди.

Янгиланган Статистика фаолияти самарадорлиги индекси аввалги айрим жиҳатларни сақлаб қолган ҳолда миллий статистика тизимлари салоҳиятини янада кенроқ ўлчов воситалари ёрдамида баҳолашга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, у орқали давлатларнинг миллий статистика тизимларини тўлиқ, ишончли ва ҳолис баҳолаш асосий мақсад қилинган.

SPINинг асосий баҳолаш тамойиллари миллий статистика тизими фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади. Натижадорликка эришиш учун тўғри танланган маълумотлар манбалари ва лозим даражада инфратузилма талаб қилинади. Умуман олганда, мазкур индексда юқори баҳони олиш учун барча элементлар “соғлом” бўлиши, яъни рақамлар мавжуд, тadbирлар ёки индикаторлар даврий ва барқарорлик принциплари асосида сифатли услубият асосида шакллантирилиши лозим.

Баҳолашда 5 та тамойил (компонент)га таянилади. Бешта тамойилнинг ҳар бири биз ўлчовлар деб атайдиган ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур ўлчов бирликлари мамлакатнинг статистик натижаларини баҳолаш мумкин бўлган асосий кўрсаткичларнинг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади. Демак, баҳолаш 5 та тамойил ва 22 та тегишли ўлчовдан ташкил топган.

Мазкур ўлчовлар 51 индикаторга асосланиб, ҳар бир ўлчов мамлакат статистик фаолиятини баҳолашда муҳим ўрин тутати. Мақсад индикаторлар эмас, балки тамойил ва ўлчамларга эътибор қаратишдир. SPI учун кўрсаткичлар қуйидаги талаблар асосида танланади: ҳамма учун очиқ маълумотлардан фойдаланиш, шаффоф услубият, осон тақорлаш, натижалар ва уларни қўллаб-қувватловчи элементлар, БРМларни акс эттириш, ишлашни кузатиш учун вақт ҳамда глобал миқёсда бир қарашда таққослаш имкони мавжудлиги.

Мазкур халқаро индекснинг маълумотлардан фойдаланиш компоненти (яқуний натижа) беш турдаги фойдаланувчиларни ўз ичига қамраб олади. Булар — қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият, фуқаролик жамияти, илмий ҳамжамият ва халқаро ташкилотлар. Самарадорликни баҳолаш учун кўрсаткичлар ҳар бир ўлчов бирлиги билан боғлиқ ва миллий статистика тизими мукаммал бўлса, барча ўлчовлар бўйича яхши баҳоларга эришиш мумкин. Аксинча, тизим фаолиятида муаммолар мавжуд бўлса, муайян ўлчовлар бўйича пастроқ баҳолар

кузатилади. Аниқланган бўшлиқлар фойдаланувчилар гуруҳлари ўртасидаги устуворлик ҳақида тушунча беради ва ҳулоса чиқаришга қўмаклашади.

Индексда Ўзбекистон 2023 йил якунлари бўйича 100 баллик тизимда 80,3 балл тўплаб, дунёнинг 217 та мамлакати ичида 62-ўринни эгаллади. Статистика фаолияти самарадорлиги индексида МДХнинг барча мамлакатлари иштирок этган бўлиб, Ўзбекистон улар орасида 4-ўринга кўтарилган.

Ўзбекистон мазкур халқаро рейтингда 2022 йилда 100 баллик тизимда 74,1 балл тўплаб, 79-ўринга муносиб бўлганди. Европа ва Марказий Осиё давлатлари гуруҳининг ўртача баҳосидан (84,9 балл) нисбатан пастроқ натижалар кузатилса-да, умумий ҳисобда 2016 йилдагига (36,7 балл) нисбатан сезиларли ўсиш тенденциясини кўриш мумкин.

Ушбу индекс мамлакатнинг статистик салоҳияти, эришаётган ютуқлари ва миллий статистика тизимини ривожлантириш борасидаги ишловлар натижаларини акс эттиради. 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистоннинг 62-ўринга кўтарилишига қуйидаги омиллар хизмат қилди:

СТАТИСТИКА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ИНДЕКСИ (SPI)ДА ДУНЁ ВА МДХ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мамлакатлар	2023	
	Ўрин	Балл
Дания	1	95,3
Финляндия	2	95,1
Польша	3	94,7
Швеция	4	94,4
Испания	5	94,3
...	...	...
Молдова	44	86,1
Арманистон	48	85
Россия Федерацияси	52	82,9
Ўзбекистон	62	80,3
Қозоғистон	65	79,8
Қирғиз Республикаси	74	76,8
Тожикистон	163	48,6
Туркманистон	186	30,7

ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб этиш орқали мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда улар учун янги имкониятлар яратиш мақсадида мутлақо янгича тизим шакллантирилди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

лиқда 220 нафар уюшмаган ёш мавсулий, 78 нафар ёш эса доимий иш билан таъминланди. Маҳалладаги ёшлар



Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган нутқида эса Президентимиз Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессансга пойдевор яратилаётганини эълон қилди.

Шубҳасиз, юртимизда Учинчи Ренессанс асосларини барпо этишни мақсад қилиб қўйишнинг ўзига хос масъулияти, қадр-қиммати бор. Ана шу масъулиятни англаган ҳолда давлатимиз раҳбари бундай деган эди: “**Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш ғоясининг ҳар томонлама чуқур ҳаётий асосларга эга эканлигини англаш қийин эмас. Зеро, дунёда замонавий технологиялар жадал ривожлanaётган, барча соҳаларда рақобат ва қарама-қаршиликлар шиддатли тўла олаётган бир даврда биз учун илм ва тараққиётдан ўзга нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.**

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда дунё миқёсда тўпланган жами бойликларнинг 16 фоизи ишлаб чиқариш восталари, 20 фоизи табиий ресурслар ҳиссасига тўғри келса, нам 64 фоизи, яъни учдан икки қисми бевосита инсоннинг ақли ва салоҳияти, билими ва тажрибаси махсулидир”.

Тарихчи, археолог, антрополог олимларнинг тадқиқотига кўра, ҳозиргача Ер юзидa 20 га яқин одам тури яшаб ўтган. Улар орасида энг кўп тарқалгани **уқувли, тикюрар, неандертал ва онгли** одамлардан иборат бўлган. Мазкур ўтмишдошларимиз бундан қарийб 40 минг йиллар аввал яратган ва микролит деб аталган жуда кичик ва ихчам тош қуроллардан то бугунги илм-фаннинг нанотехнология, биотехнология, космик технология, нано-электроника, биотибиёт каби мураккаб ва муҳим соҳаларини тараққий эттиришдан кўзлаб ягона мақсад — инсон ҳаётини яхшилаш, турмуш фаровонлигини таъминлаш, бу дунёда ўзини то маънодаги инсон сифатида ҳис этишдан иборат. Ҳар ҳолда тарихга саёҳат шундан далolat беради.

Ана шу азалий ҳақиқат ҳар бир одамни, пировадидида бутун халқ, инсониятни ҳаракатга келтиради, ижод қилишга, яратишга ундайди. Бу жараён осон эмас. Ҳамма инсон ва миллат ҳам бу жараёнда ўз бўй-бастини кўрсата олмайд. Чунки башарият томонидан ҳар тарафлама эътироф этилган ихтирою кашфиётларини яратиш ҳамманинг қўлидан келавермайд.

Бирок бу масалда ўзбек халқи қаддини баланд тутиб, Биринчи ва Иккинчи Ренессансни яратган, ўз кашфиётлари билан жаҳон тамаддунига беназир ҳисса қўшган мутафаккирлари билан фахрланас арийди. Юртимиз цивилизацияси қадимги Хитой, Хиндистон, Бобил, Миср, Эрон, Юнонистон тамаддунига тенгдош. Буни дунё олимлари аллақачон яқдиллик билан исботлаган. Мамлакатимиз ҳудудидagi маданият, илм-фан ўта қадимийлигига юнонистонлик олимлардан Арриан, Курций, Плутарх, Геродот, Страбон, шунингдек, Абу Райҳон Беруний, Наршахий ва бошқа олимлар гувоҳлик беради.

Икки буюк Ренессансга асос солган халқимиз IX-XII асрларда жаҳон тамаддунини ноёб асарлари, кашфиёт ва ихтиролари билан базади. Инсоният тараққиётида юртимиз мутафаккирлари қолдирган улкан илмий-маданий мерос алоҳида эътиром билан тилга олинади, муносиб баҳоланади. Математика, физика, астрономия, тиббиёт, кимё, геология, иқлимшунослик, доришунослик каби аниқ ва табиий фанлар, тарих, элшунослик, адабиёт, фалсафа каби ижтимоий фанлар, шунингдек, исломшунослик илми жуда тараққий этди. **Тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, шу даврда илмнинг 35 йўналиши фанга айланган.** Бундай феномен ҳодиса жаҳон тарихида ҳеч қачон кузатилмаган.

XIV-XVI асрларни ўз ичига олган Иккинчи Ренессанс теурийлар даври сифатида

тарихга кирган. Амир Темур ва теурийзодаларнинг илм-фан, маданиятга эътибори ва рағбати туфайли юртимиз ҳудуди ўша даврда турли фан соҳаларининг гуркираб ривожланган марказига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ҳақли эътирофича, ўша даврда **“Ғарбда — Рим, Шарқда — Самарқанд”** деган нақл беҳиз айтилмаган.

Биринчи Ренессанс даврида алгебра фани ва алгоритм тушунчасига асос солган Мухаммад Хоразмий, устуруб ва нилометр ихтирочиси Аҳмад Фарғоний, қомусий олим Абу Райҳон Беруний, тиббиёт фанининг асосий йўналишларини белгилаб берган Абу Али ибн Сино сингари мутафаккирларимиз ўз ихтиролари билан инсоният тараққиётининг илмий-маънавий асосини яратгани учун ҳам жаҳон ақли уларни қадрлайди.

Иккинчи Ренессанс даври ҳам аниқ фанлар тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган.



УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ЭТАМАН?

Яқин ва узоқ тарихимизда миллий уйғониш, илм-фанны ривожлантириш, халқимизнинг иқтидорини истеъдодини рўёбга чиқариш учун кўп уриниш бўлган. Бирок турли сабабларга кўра, барча сай-ҳаракат натижасиз тугаган. Масалан, яқин тарихда жадидлик ҳаракати ва миллат зиёлиларининг ўтган аср 80-йиллари иккинчи яримдаги ижтимоий-сиёсий, мафкурaviй жиҳатдан уйғониш, миллий маданиятимизни равақ топтириш борасидаги сай-ҳаракати барчамизга аён сабаблар туфайли амалга ошмади.

Чунки ўша даврлардаги сиёсий-ғоявий, мафкурaviй вазият миллий тараққиётни асло қабул қила олмасди. Президентимиз бундай таъкидлайди: **“Уйлайманки, тарихда икки буюк Ренессансга замин бўлган минтақамизда Учинчи Ренессансни айнан жадид аждодаларимиз амалга оширишлари мумкин эди. Афсуски, мустабид тузум уларнинг эзгу ғоя ва амалий ҳаракатларини тўла рўёбга чиқаришга имкон бермади”.**

Бугун эса янги Ўзбекистон шариотида Учинчи Ренессанс пойдеворини куриш учун

ислохотларимиз асосида макроиктисодий барқарорлиқни таъминлаш, қарамли иқтисодиёт сари дадил қадам ташлаш, саноат ва аграр соҳанинг самарадорлигини ошириш, “яшил” энергетика сиёсатига қатъий суяниш масалалари турибди. Буларсиз Учинчи Ренессанс тўғрисида тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Учинчидан, жамият ва давлат тараққиёти, ҳар қандай цивилизация юксак ривожланган таълим, илм-фан, маданият, маънавият ва маърифатга суянгандагина кутилган натижага эришиши мумкин. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугун Ўзбекистон то маънода янги Ренессанс марказига айланмоқда. Зотан, ҳар қандай ислохот ва ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш, мамлакатнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун чуқур билим ва тафаккурга эга инсонларга эҳтиёж жуда баланд.

Бугун бир томондан жамиятнинг ўзи, бошқа тарафдан юртимиздаги барча фуқароларда Ўзбекистонни янада тараққий эттириш, бунинг учун эса инсон капиталини



барча имконият яратилди. Шунинг учун ҳам Учинчи Ренессансни барпо этиш стратегик вазифамизга айланди.

Келинг, шу имкониятлардан баъзиларини санаб ўтайлик.

Биринчидан, ҳар қандай юксалиш, миллий тараққиёт жамиятда қарор топган ижтимоий-маънавий муҳитга боғлиқ. Бугун мамлакатимиз раҳбари юритаётган адолатли, очик ва шаффоф сиёсат туфайли жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳит қарор топди. Унинг мазмуни эса ҳар бир фуқаронинг ўз олдида мустақил мақсад қўя олиши, бу мақсад давлат ва жамиятнинг ижтимоий мўлжалли билан уйғунлиги, турли миллат ҳамда элат вакиллариининг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлангани, инсон қадри улуғланаётганида намоён бўлмоқда.

Иккинчидан, мамлакат ва жамият ривож, энг аввало, уларнинг иқтисодий ҳолати билан белгиланади. Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос хусусияти Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўли узоқ муддатга мўлжалланган, халқ муҳофазасидан ўтказилган, муҳими, хорижий ва маҳаллий экспертлар томонидан ҳар томонлама таҳлил қилинган тараққиёт стратегиялари ва илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган концепцияларга асослангани билан изоҳланади. Иқтисодий

ривожлантириш, ҳар бир йигит-қизнинг илмий-ижодий салоҳиятини очиш, кенг имкониятлар яратиш бериш, пировад натижада янги миллий уйғонишни қўллаб-қувватлаш учун реал шарт-шароит яратилди.

Тўртинчидан, ҳар қандай миллий тараққиёт мамлакатнинг минтақавий ва халқаро миқёсдаги ўрнига, дунёнинг тобора глобаллашиб бориши асосида турли таҳдидларга қарши тура олиш имкониятларига боғлиқ. Мамлакатимиз раҳбари ишлаб чиққан ва халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган прагматик, очик ва вазмин ташқи сиёсат, унинг, энг аввало, Ўзбекистон манфаатига асослангани бугун ўз натижасини кўрсатмоқда.

Дунёдаги деярли барча минтақа ва давлатлар Ўзбекистон билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. Яъни бугун юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун халқаро вазият кенг имконият яратиб бермоқда.

Бешинчидан, ҳозирги Ўзбекистон жамиятида эмин-эркин яшаш, меҳнат қилиш, ижод билан шугулланиш учун барча шароит бор. Бу жиҳат янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, унинг 1-моддасида Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилган.

Давлат раҳбарининг таъбирича, мамлакатимизнинг **суверенлиги бу** — мустақиллигимизнинг, ўз еримизга, ўз тақдиримизга эгаллик ҳуқуқини ҳеч кимга бермаслигимиз, **демократик давлатлиги бу** — халқ ҳокимияти, халқнинг иродаси экани, **ҳуқуқий давлатлиги бу** — қонун ва адолат устуворлигидан иборатлиги, **ижтимоийлиги бу** — инсонга эътибори ва ғамхўрлиги, **дунёвийлиги бу** — миллати, тили, эътиқодидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг, улар учун бир хил шароит яратилади, деганидир.

Буларнинг барчаси мамлакатда муқим ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиради, ҳамма фуқарога меҳнат қилиш, яшаш, ижод билан шугулланиш учун тенг имконият яратади, жамиятнинг радикаллашувига йўл қўймади.

Учинчи Ренессанс пойдевори, энг аввало, қуйидаги таркибий асослардан иборат бўлиш керак.

Иқтисодий асос. Мамлакат иқтисодий ахволи яхшиланиб бормоқда, барқарор ўсиш таъминланяпти. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан кўзланган мақсад — инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, бу жараёнларнинг очиклигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий интеграциясининг фалол иштирокчисига айлантириш. Ўшбу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ва ўзгаришлар Учинчи Ренессансни барпо этиш реал ҳодиса эканидан дарак беради.

Таълимий асос. Учинчи Ренессансни таълим соҳасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги 7-8 йилда бу борада кенг қўламли ишлар бажарилди. Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, барча соҳадаги жаҳоний мусобақаларда глобл чиқиш қафолати ҳам, миллатни ягона мақсад йўлида бирлаштирадиган ҳам, мамлакат куч-қудратини оширадиган ҳам таълимдир. Бу борада мактабгача, мактаб ва олий таълимдаги ислохотлар, эришилётган муваффақиятлар, фарзандларимизнинг интилишлари бизни Учинчи Ренессанс барпо этиш реал жараён эканига ишонтирмоқда.

Илмий-тадқиқий асос. Ҳеч бир соҳани илмий жиҳатдан тадқиқ этмасдан, соҳа тараққиётининг самарадорлик даражасини олдиндан таҳлил қилмасдан бирор-бир ютуққа эришиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, унинг илмий асосларини яратиш, илм-фаннинг барча йўналишини ислоҳ қилишга аҳамият бериб келмоқда. Бугун бу ишлар муайян даражада ўз натижасини берапти. Фундаментал ва гуманитар фанлар соҳасида истиқболли ва юқори технологик йўналишлардаги изланишлар, шубҳасиз, Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини яратди.

Жамият ижтимоий-маънавий муҳитининг барқарорлиги. Биз учун юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик, одамлар, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги аҳиллик, ўзаро ҳамкорликдан ҳам муҳимроқ бойлик йўқ. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги bosқичида жамиятимизнинг тобора барқарор ривожланиши, тинчлик ва хотиржамликнинг муқаддас қадриятга айлангани янги уйғониш bosқичининг аввалдан амалга ошишига қафолат беради.

Одамларимизнинг руҳий ҳолати, тарбияланганлик даражаси. Шубҳасиз, кейинги йиллардаги кенг қўламли ислохотлар

юртдошларимизнинг руҳий ҳолатига ҳам таъсир этмай қолмади. Фуқаролардаги ижтимоий кўркўв йўқолиб, эртанги кунга ишонч кучаймоқда.

Бирок дунёнинг глобаллашуви, турли ички ва ташқи маънавий таҳдидларнинг ортиб бориши ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса маънавий-маърифий соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишни талаб этапти.

Демак, Учинчи Ренессанс мамлакат ва миллат олдидаги аҳамияти, қўлами жиҳатидан жуда катта жараён. Бу жараённинг энг муҳим устувлари эса иқтисодий, таълимий, илмий-тадқиқий, тарбиявий унсурлардан ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитдан иборатлигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Ана шу жараёни ҳаракатга келтирувчи, санаб ўтилган барча унсурнинг уйғун ишлаш механизмини шакллантирадиган ягона куч, ўқ илди бу — тарбия, маънавият ва маърифатдир. Фақат маънавият, маърифат, тарбия натижасидагина жамиятда турли норозиликлар, эътирозларга сабаб бўлаётган коррупция, жаҳолат, юрт келажакка лоқайдлик, эзгу қадриятларимизга бепарволик, таниш-билишчилик каби хатарларга қарши кураша оламиз.

Шу ўринда мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини куриш, мазкур ғояни аҳоли онгига тезроқ ва сифатлироқ синдириш маъносида айрим тақлифлар билдиришни лозим топдик.

Биринчидан, Президентимиз ташаббуси билан **“Адиблар хиебони”**нинг барпо этилиши жуда яхши иш бўлди. Бугун мазкур маскан нафақат пойтахтликлар, балки юртимизнинг турли ҳудудидан келаётган меҳмонлар, ҳатто хорижлик дўстларимизнинг ҳам севили масканига айланиб улгурди.

Аслида, ушбу маскан биз учун аввалги ренессанслардан дарак берадиган, янги — Учинчи Ренессанс маънавий асослари шаклланишига хизмат қиладиган адабий-бадний, маънавий-мафкурaviй марказ вазифасини ўтапти.

Ҳар қандай Ренессанс, миллий уйғонишни илм-фан ютуқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода, “Адиблар хиебони”га ўқша **“Мутафаккирлар хиебони”**ни ташкил этишни тақлиф қиламиз. Ушбу хиебонда Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида яшаб, ижод қилган алломалар — Мухаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Али Қўши, Ҳомид Хўжандий, Маҳмуд Чағминий каби мутафаккирлар ҳайкали ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унга таширф буюрувчилар юртимиздан етишиб чиққан мутафаккирлар, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар оларди.

Иккинчидан, ҳар қандай Ренессанс инсоният фаолиятининг барча соҳаларига тегишли бўлади. Шу маънода, юртимиз маданият ва санъат соҳасида етук намоёндалар етишиб чиққан ҳудуддир. Мухиддинқори Ёқубов, Тамирахошим, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Комил Ерматов, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Наби Ганиев, Комилжон Отаниёзов каби буюк санъаткорлар ҳайкалларидан иборат **“Маданият намоёндалари хиебони”**нинг ташкил этилиши ҳам Учинчи Ренессанс бунёдкорларига маънавий-маданий таъини вазифасини бажаради.

“Адиблар хиебони”, “Мутафаккирлар хиебони”, “Маданият намоёндалари хиебони” ташкил этилиши натижасида ёшларда Ренессанс жараёни ҳақида тугал фикр пайдо бўлади. Ушбу масканлар бир-бирига яқин ҳудудларда барпо этилса, таширф буюрувчиларнинг ренессанс ҳақидаги билими ортар, **Учинчи Ренессанс яратишдаги иштироки ва масъулияти кенгайради.**

Учинчидан, Учинчи Ренессансни барпо этиш фуқаролар, айнқиса, ёшларнинг саовди масаласига ҳам бевосита тегишли. Тўғри, кейинги йилларда мактаб ва олий таълимни ислох этиш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Ўқитувчининг жамиятдаги ижтимоий нуфузи ошди, таълим муассасаларининг моддий базаси яхшиланди, соҳа мутахассислари меҳнатини муносиб баҳолаш тизими такомиллашиб бормоқда. Узлуқсиз таълим тизими мазмуни сифат жиҳатдан янгиланмоқда, дарслик ва ўқув-услубий маълумотлар замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда.

Аммо бугунги ёшларнинг ҳал-саовди масаласи кўпчиликни ташвишга солтапти. Шу мақсадда мактаб битирувчилари ва олий таълимга ўқишга кирувчиларга имтиҳон тарзида ишю ёдирши мақсадга мувофиқ деб биламиз. Ишю ўқувчи ва талабанинг саоводхилигини, бадий адабиётни ўқишга рағбатини, мустақил мантқиқий фикрлаш кўникмаси шаклланишини, тўғри хулосалар чиқаришдан иборат амалиёт юзага келишини таъминлайди.

Ишю ёш ўқувчи ва талабанинг тест синовларига асло халал бермайд. Олий таълим муассасасига киришни ният қилган абитуриентдан талаб қилинган умумий баллнинг муайян қисми, дейлик, 15-20 фоизини ишюни баҳолашга сарф этиш билан мазкур масалани ҳал этса бўлади. Бунинг натижасида ўқувчи ва талабанинг китоб ўқиш маданияти шаклланади, пировадидида бадний асар ўқишга эҳтиёж юзага келади.

Тўртинчидан, биз ҳозирча фарзандларимизнинг то маънодаги маънавий-ахлоқий қиёфасини, ижобий ва салбий жиҳатларини яхши билаймиз. Учинчи Ренессансини эса фақат ва фақат маънавий етук, юксак ватанпарвар, ахлоқан барқарор ёшлар билан барпо эта оламиз. Шу маънода, **“Учинчи Ренессанс бунёдкорининг маънавий-ахлоқий қиёфаси”**ни аниқлайдиган **методикани** ва мавжуд камчилликларни бартараф этадиган **миллий дастурни** ишлаб чиқиш лозим деб ўйлаймиз.

Шубҳасиз, мазкур фикрлар субъектив мазмунига эга. Бу бўйича ҳар кимнинг ўз фикри бўлиши табиий. Мен Учинчи Ренессанснинг шундай тасаввур этаман.

УШБУ МАКОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Сув зарга, сувчи заргарга қийёсланади. Она табиат неъматни бўлган сув танқислиги долзарб масалага айланиб бораётган бугунги кунда бу кўҳна ибора моҳиятини илғаб олиш қийин эмас.

Кун мавзуси

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ҳамон эсимда: мактабимиз ҳовлисидаги қувурдан тоза ичимлик сув куну тун беҳуда оқиб ётарди. Сувни тежаш, исроф қилмаслик хусусида ҳеч ким лом-мим демасди. Бундай ҳолатга уйда, кўча-кўйда ҳам дуч келарди. Сувга битмас-туганмас ҳазина сифатида қаралар, экинларни суғориш, ҳовлига сув сепиш одат тусига кириб қолганди.

СУВ ТУГАНМАС ХАЗИНА ЭМАС

УНГА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРТИРИШИМИЗ ЛОЗИМ

Яқинда ўқувчилигим ўтган мактабда, маҳаллада бўлдим. Сувга муносабат тубдан ўзгарибди. Қувурларга ҳисоблагичлар ва жўмаклар ўрнатилган. Ички ариқлар бетонлаштирилган. Демак, сувни исроф қилмаслик, бебаҳо неъматни асраш, ҳар томчисидан оқилона фойдаланиш борасидаги тарғиботлар самара берапти. Истеъмолчилар сувдан меърида фойдаланишга ҳаракат қияпти, тежамкорликка оид янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаяпти. Зотан, сувга муносабатни болаликдан оила ва таълим даргоҳларида шакллантирмай туриб, кўзланган натижага эришиш қийин. Чунки она табиатнинг бу бебаҳо неъматни кундан кунга камайиб бормоқда.

Фарғона вилоятидаги асосий экин майдонлари қўшни республикалардан оқиб келувчи сув билан суғорилади. Бу эса сувнинг ҳар томчисини мақсадли, омилкорлик билан ишлатишни талаб қилади. Шу мақсадда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида сезиларли ишлар қилинди. Аммо бу ҳамма имконият тўлиқ ишга солинаяпти, дегани эмас. Вилоятдаги 367 минг гектар суғориладиган майдоннинг йиллик сув истеъмоли ҳажми 3,9 миллиард куб метрни ташкил қилади. Қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодийёт тармоқларини сув билан таъминлаш ва ернинг мелиоратив ҳолатини меърида сақлаб туриш учун 2281 километр ҳўжаликлараро ҳамда 16 минг 195 километр ички суғориш тармоқлари, 168 дона давлат ҳўсобидаги насос станцияси, 2303 дона тик қудўқ, сув етказиб бериш хизматлари ҳамда фермер ҳўжаликлари ҳўсобидаги 1086 та насос агрегати, 90 та тик қудўқ ҳамда 15 минг 886

километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари ишлаб турибди. Шу кунга қадар давлат бюджетидан ажратилган 17 миллиард сўм маблаг ҳўсобида 15 километр узунликдаги “Хонобод ветка” туманлараро канали бетонлаштирилди. Ўтган асрнинг 50-йилларида қуриб ишга туширилган канал Езёвон, Қўштепа ва Тошлоқ туманларидаги 8,5 минг гектар экин майдонини суғоришга хизмат қилади. Каналнинг мавсумий сув олиш имконияти секундига 6-8 куб метр бўлиб, фойдаланиш даврида ўртача 30-35 фоиз сув йўқотилган. Канални бетонлаштириш натижасида 15,5 миллион метр куб сув иқтисод қилиниб, қўшимча 2,5 минг гектар ерни сув билан таъминлаш

имконияти яратилди, сув оқими тезлиги 5 баробар ошди.

Президентимиз раислигида жорий йил 7 ноябрь кунини қишлоқ ҳўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселекторда олдимида турган муҳим масалалар, муаммо ва ечимларга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди “Сирдарё-Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зухриддин Орифжонов. — “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш” иккинчи босқич лойиҳаси доирасида жорий йилда 2 миллион доллар ўтлаштирилиб, Қувасой шаҳри ҳамда Фарғона

туманидаги ҳўжаликлараро 4 та каналнинг 25,6 километр қисми бетонлаштирилди. Натижада 38 миллион куб метр/секунд сув иқтисод қилиниб, 8,2 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланди. Шунингдек, 1420 километр ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш борасида амалий ишлар қилинапти. Бунинг ҳисобига 134 миллион куб метр сув тежалди ва 43 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланди. Фермер ҳўжаликларининг ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш бўйича барча туманда штаб ташкил қилинган, керакли ишчи кучи, техникалар жалб этилмоқда. Охириги икки йилда ерни лазерли текислашга катта эътибор қаратилаяпти. Жумладан, фермер ҳўжаликлари ва кластерлар томонидан 61 та лазерли ер текислашга сотиб олинди. Келгуси йилда ана келиш режалаштирилган.

Жойларда сув етказиб бериш хизматлари давлат муассасалари ташкил қилинди. Натижада сувнинг аниқ ҳисобини юритиш, истеъмолчиларга белгиланган лимит асосида ўз вақтида обихаёт етказиб бериш тартиби йўлга қўйилди.

Бир куб метр сув етказиб бериш нархи ўртача 162 сўм, — дейди истеъмолчиларга сув етказиб бериш хизматини мувофиқлаштирувчи шўба раҳбари Жўрабек Самадов. — Бу суммани камайтириш учун 16 та насос станцияси тўлиқ модернизация қилинди, 15 та насос станциясида электр двигателъ ва насос агрегатлари янгиланди. Натижада истеъмолчиларнинг сувга муносабати тубдан ўзгарди. Исрофгарчиликларнинг олди олинмоқда. Масалан, ўтган йили экинлар веге-

тацияси даврида 2,1 миллиард куб метр сув талаб қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 1,6 миллиард куб метр сув сарфланди. Сув тежовчи технологияларни жорий этишда талабдорларнинг, биринчи навбатда, молиявий ҳолатига қаралмаяпти, балки “бир канал — бир тизим” тамойили асосида яхлит ҳудудлар танланиб, тизимли гидрографик асосида етказиб берилмоқда. Натижада каналга ажратиладиган сув тенг миқдорда қисқаради ва канал айланма график орқали суғориш тизимидан чиқарилади. “Бир канал — бир тизим” тамойилига боғланган фермер ҳўжаликлари саъй-ҳаракати билан 944 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди.

Риштон туманидаги “Амиробод жавоҳири” фермер ҳўжалигидаги 700 метрдан ортиқ ички ариқ бетонлаштирилди. Бу бежиз эмас. Сув фермер ҳўжалиги экин майдонига Амиробод қишлоғи оралаб ўтган ариқдан келади. Бу экинлар вегетацияси даврида ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқарган. Ўзи вақтида тозаланмаган ҳамда қовилмаган ариқларни бетога ўт босиб, сув оқимида салбий таъсир кўрсатган. Айрим жойлар керагидан ортиқ чуқур

тагида қолиб нобуд бўлади. Натижада ҳосилдорлик ва даромадга путур етади.

Вилоятда умумий қуввати 21,3 мегаваттли 13 та микро ГЭС қуриш режалаштирилган. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан Фарғона туманида 2 мегаваттли 1 та микро ГЭС қурилиб, айна йилда фойдаланишга топширилди. 1 та 0,43 мегаваттли микро ГЭСни қуриш ишлари аяунланмоқда.

Бундан ташқари, Қува туманида қувати 12 мегаваттли 1 та кичик ГЭС қуриш бўйича лойиҳа ҳўжатлари тайёрланиб, қурилиши бошланмоқда, — дейди “Сирдарё — Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи Шохрух Мирзаев. — Яқин истиқболга мўлжалланган ҳисоб-китобларга кўра, 110 та гидротехник иншоот ҳамда 5 та каналга қуввати 96,2 мегаватт бўлган 142 та микро ГЭС қуришни режалаштирганмиз. Ўтган 4 йилда сув ўлчаш иншоотларида сув сарфини онлайн тарзда кузатиш имконини берувчи 1548 та “ақли сув”, мелиоратив қудўқлардаги сув сатҳини онлайн тарзда аниқловчи 424 та дайвер қурилмаси, 168 та насос агрегатиди сув миқдорини онлайн ҳисоблаш қурилмаси, 1350 та тик суғориш қудугини масофадан бошқариш тизими ўрнатилди. Рақамли технологиялар ёрдамида онлайн режимида сув сарфи, сатҳи ва уларнинг минераллашганлик кўрсаткичлари мониторингини юритиш орқали ернинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш аниқлиги 20 фоиз ошди. Полмон, Водил, Сарикўрғон, Қўқон, Файзобод ва Беш олиш гидроузеллари бошқаруви автоматлаштирилди. Натижада ҳар йили ўрта ҳисобда 1,5-2 миллион киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилимиз.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 118 та насос станциясини модернизация қилишга қаратилган лойиҳани амалга ошириш доирасида вилоятдаги 16 та насос станциясини модернизация қилиш белгиланган. Лойиҳа доирасида умумий қиймати 22,39 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан насос станцияларига сарфланган электр энергияси йилига 45,8 миллион киловатт-соатга тежалди, эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажат 1 миллиард 230 миллион сўмга қисқаради. Бунинг эвазига 8,5 минг гектар майдон фойдаланишга киритилади. Шунингдек, насос станциялари, агрегатлар, электр двигателлар, энергиятежамкор қурилма ва ёритиш тизими учун 226 киловатт-соат қуёш панеллари, геокolleкторлар ўрнатилди. Айни кунда насос агрегатлари мавжуд фермер ҳўжаликларида қуёш панеллари ўрнатиш борасида ишланмоқда. Бу самарали тизим натижасида 19 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинади.

Охириги икки йилда 37 та насос станцияси давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор бошқарувида берилди, — дейди “Сирдарё — Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси кичик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўлими бош мутахассиси Муроджон Долибоев. — Хусусий сектор томонидан, биринчи навбатда, мазкур насос станцияларида ободонлаштириш, биноларни таъмирлаш ишлари бажарилиб, 11 та насос станциясига қуёш панеллари ўрнатилди. 22 та насос агрегати янгиланди, 28 та энергия тежамкор қурилма ўрнатилиб, 2,7 миллиард сўм инвестиция маблағи киритилиши ҳисобига йилига 2,1 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 2,1 миллиард сўмдан ортиқ маблаг иқтисод қилинмоқда. Жорий йил аяунга кўра, ана 30 та насос станцияси давлат-хусусий шериклик асосида ташаббускорларга берилиб, 10 миллиард сўм инвестиция киритилади. Бу бир вақтнинг ўзига 1,8 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 1,8 миллиард сўм маблағни тежаш имконини беради.

Сув зарга, сувчи заргарга қийёсланади. Она табиат неъматни бўлган сув танқислиги долзарб масалага айланиб бораётган бугунги кунда бу кўҳна ибора моҳиятини илғаб олиш қийин эмас.

Янгича ёндашувлар

ГОРИЗОНТАЛ ЁКИ ВЕРТИКАЛ ФЕРМЕРЛАРГА ҚАЙСИ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ МАЪҚУЛ?

Жорий йил 25 ноябрда Президентимизга озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклифлар тақдимот қилинди. Унда пахтачиликда илм-фан ва инновацияларга асосланган ҳолда соҳани ривожлантириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, хорижий навлар экиннинг натижадорлиги таҳлил этилди.

Давлатимиз раҳбари бу борада кластер, фермер ва саноат корхоналари фикрини ўрганиб, масалага илмий ёндашиш, фермерларни замонавий агротехнологияларга ўқитиш муҳимлигини таъкидлади. Мутасаддиларга замонавий пахта териш машинаси ва аҳоли томорқалари учун кичик агротехника воситалари ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

Чиндан ҳам, пахта ҳосилини тўлиқ ва сифатли териб олишда, вақтдан ютишда пахта териш машиналарининг ўрни катта. Лекин мазкур жараённинг ўзига хос талаблари бор. Жумладан, аксарият фермер ҳўжаликларида машина теримига гўза дефоляция қилинган ва барглари камда 70-80 фоиз тўқилган ҳамда кўсақлар 80-90 фоиз очилганда киришिलाди.

Тезпишар ва юқори ҳосилли пахта навлари кўпайиб бораётгани сабабли далаларда АҚШ ва Хитойдан келтирилган горизонтал шпинделли пахта териш машиналаридан фойдаланилмоқда. Бу машиналар, асосан, гўза кўсақлари 80-90 фоиз ва ундан кўп даражада очилганда йиғим-терим ишларида жалб қилинмоқда.

Тўғри, ушбу машиналарнинг терим тўлиқлиги кўрсаткичлари юқори: 90-95 фоиз.



Бирок юртимиз об-ҳаво шароити ва иқлим ўзгаришлари туфайли пахта терими бошланishi даврида кўсақлар ҳар доим ҳам 80-90 фоиз очилиб улгурмайди. Шунинг учун терим бошида кўсақлар 50-60 фоиз, терим охирида 60-70 фоиз очилганда ва даладаги ҳосил гектарига 25-30 центнер ва ундан паст бўлганда териб олинмоқда. Бу иқтисодий

жиҳатдан фойдасиз. Чунки бундай ҳолатларда терим харажатлари ошади. Тола сифати пасаяди. Натижада кластер ва фермер ҳўжаликлари зиён кўради. Шу боис, фермер ҳўжаликлари пахта ҳосилини горизонтал шпинделли машиналар ёрдамида теришдан воз кечиб, қўлда териб олишга ҳаракат қилмоқда. Бу, айниқса, жорий мавсумда аяқол сезилди.

Айрим жойларда ўзимизда 2010-2016 йилларда ишлаб чиқарилган “МХ-1,8” русумли вертикал шпинделли пахта териш машиналаридан фойдаланилди. Кузатувлар бунинг натижалари ижобий бўлганини кўрсатмоқда.

Масалан, махсус ташкил этилган ишчи гуруҳ Навоий вилояти фермер ҳўжаликларида мавсумни ўрганиш натижасида пахта терими ва сифати яхшиллангани, маблаг сарфи камайганига гувоҳ бўлди. Натижада кейинги йилларда “МХ-1,8” русумли вертикал шпинделли пахта териш машинасини теримга жалб этишни кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Лекин “МХ-1,8” пахта териш машинасини кўсақлар 80-90 фоиз очилган ва пахта ҳосили гектарига 30-40 центнер ва ундан юқори бўлган далаларда қўллаш туфайли терим тўлиқлиги 80-85 фоиздан ошмайди. Ерга тўкилаёт-

ган пахта миқдори 5-10 фоиз ва ундан кўп, бункерга тушган пахта ифлослиги эса 10-12 фоизгача етади. Бундай агротехник кўрсаткичлар, албатта, фермерларни қаноатлантирмайди. Бу ҳолат “МХ-1,8” русумли вертикал шпинделли пахта териш машинасида юқори ҳосилли, кўсақлари 80-90 фоиз ва ундан ортиқ даражада очилган далаларда фойдаланганда самарадорлигини пасайтириб юборади. Шу сабабли фермерлар ушбу техникадан айрим ҳоллардагина ёки илложсизликдан фойдаланмоқда, ҳолос.


Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Тошкент давлат

техника университети ер усти транспорт тизимлари кафедраси профессор-ўқитувчилари, олимларимиз гўза кўсақлари 80-90 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ даражада очилган ҳамда ҳосилдорлиги 30-45 центнер бўлган далаларда етиштирилган пахтани сифатли териб олиш учун очилган кўсақларга уч қарра ишлов берадиган (бир қаторда уч жуфт барабанли), терим тўлиқлигини 94 фоизгача ва ерга тўқилган пахта қолдиқлари 3 фоиздан ошмайди, терилган пахта ифлосланиши (давлат стандарти бўйича) 8 фоиздан кам бўлган, “МХ-1,8” русумли вертикал шпинделли машинага ўрнатишга мўлжалланган пахта териш аппаратини ишлаб чиқди. Унга Интеллектуал мулк маркази томонидан патент берилди.

Ушбу териш аппарати ўрнатилган “МХ-1,8” русумли вертикал шпинделли пахта териш машинасини саноат асосида ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва пахта йиғим-терим мавсумида кенг қўллаш фермер ҳўжаликлари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ривожига катта ҳисса қўшади. Имкониятини кенгайтиради. Бу билан, аввало, қиммат ва фойдаланиш харажатлари жуда юқори бўлган горизонтал шпинделли машиналарни хориждан сотиб олиш учун сарфланадиган валютга тежалди. Республикаимиз саноат корхоналарида янги иш ўринлари яратилди. Энг асосийси, тўқимачилик саноати сифатли ва арзон пахта толаси билан таъминланади.

Машарип ҲОЖИЕВ,
Тошкент давлат техника университети доценти, техника фанлари номзоиди

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Кибербуллинг

Ва аҳолини ундан ҳимоя қилиш



Темурубек ПЎЛАТОВ,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси

Кибербуллинг нима?

Кибербуллинг замонавий жамиятда энг муҳим ижтимоий ва ҳуқуқий муаммолардан бири сифатида тан олинган. Интернет технологиялари жадал ривожланиши ахборот алмашинуви оsonлаштириш билан бирга, янги турдаги таҳдидларни ҳам юзага келтирди. Жумладан, кибербуллинг — рақамли муҳитдаги таъовузор ва қасддан қилинган ҳаракатлар орқали инсонларнинг шахсий ҳаётига зарар етказиш, уларни таҳқирлаш, кўрқитиш ёки таъкиб қилиш амалиёти.

Кибербуллинг глобал муаммо бўлиб, унинг таъсири Ўзбекистонда ҳам кенг кўлам касб этмоқда. Мамлакатимизда интернет фойдаланувчиларининг тезкор ўсиши билан бир қаторда ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали тарқатган таҳдидлар ҳам кўпаяётгани кузатишмоқда. Telegram, Facebook, Instagram ва TikTok каби платформаларда ёлгон маълумотлар тарқатиш ёки таҳқирлаш ҳолатлари нафақат шахсий ҳаётга, балки жамиятдаги маданият ва ахлоқий қоидаларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу муаммонинг муҳим жиҳати шундаки, кибербуллинг нафақат жабрдийдага руҳий зарар етказди, балки шахсий маълумотлар махфийлиги ва инсон шаъни ҳимоя қилинмаганини ҳам кўрсатади. Бундай шароитда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича билимларини ошириш долзарб вазифалардан биридир.

Кибербуллингнинг кўплаб кўринишлари мавжуд. Уларнинг барчаси инсоннинг шахсий ҳаёти, қадр-қиммати ва ижтимоий мақомига путур етказишга қаратилган. Таҳқирлаш ва тўхмат кибербуллингнинг кенг тарқалган кўринишларидан ҳисобланади. Масалан, ижтимоий тармоқларда шахс ҳақида ёлгон маълумотларни тарқатиш унинг обрў-эътиборига зарар етказиши мумкин. Бундан ташқари, шахсий маълумотлар ёки тасвирларни розиликсиз жойлаштириш ёхуд уларни таҳрирлаб, таҳқирловчи мазмунда тарқатиш каби ҳолатлар ҳам кенг тарқалган.

Амалиётда кибербуллинг Ўзбекистонда ҳам кузатилади. Мисол учун, Telegram ёки Facebook платформаларида айрим шахсларга нисбатан тўхматлар тарқатилиши, уларга қаратилган таҳқирловчи изоҳлар ёки таҳдидли хабарлар жабрдийдаларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу жараён жабрдийданинг ишончини йўқотиш, жамиятдан четланиши ва ҳатто депрессия каби руҳий касалликларга сабаб бўлади.

Кибербуллингнинг ижтимоий зарари жуда катта. Бу нафақат шахсий муносабатларга, балки жамиятдаги умумий ахлоқ ва маданият



даражасига ҳам салбий таъсир қўрсатади. Шунинг учун кибербуллингга қарши амалий чоралар кўриш ва унинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий жиҳатлар ва жавобгарлик

Ўзбекистон қонунчилигида кибербуллингга қарши курашиш учун қатор ҳуқуқий механизмлар белгиланган бўлиб, улар инсон шаъни, қадр-қиммати ва шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга қаратилган. Жабрдийдаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонуннинг асосий вазифаси унга етказилган зарарни бартараф этиш ва ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортишдир.

Жиноят кодекси кибербуллингга оид ҳуқуқбузарликлар учун қатор жавобгарлик чораларини назарда тутди. 139-моддада тўхмат учун жавобгарлик белгиланган. Бунда шахс ҳақида ёлгон маълумотлар тарқатиш, унинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказиш жиноят деб баҳоланади. Шунингдек, 140-модда таҳқирлашга қаратилган бўлиб, шахсни таҳқирлаш ёки унинг қадр-қимматини камситиш учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга оид қонунчилик ҳам кибербуллингнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунда шахсий маълумотларни ноқонуний тарқатганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Бу жабрдийдаларнинг шахсий маълумотлари ҳимоя қилинишига қаратилган ҳуқуқий асосларни белгилайди.

Ўзбекистон халқро мажбуриятлар доирасида кибержиноятчиликка қарши кураш дастурларига қўшилган. МДХ доирасидаги ҳамкорлик, халқаро тажриба ва методларни ўрганиш кибербуллингга қарши курашда муҳим ўрин тутди.

Кибербуллинг учун жавобгарликни амалга ошириш жараёнида турли жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Жабрдийдаларнинг

шаъни ва қадр-қиммати етказилган зарарни бартараф этиш учун жарималар, маъмурий чоралар ва жиддий ҳолатларда жиноий жазо белгиланган. Шунингдек, жабрдийда ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланиши, жиноят иши юритилиши ёки судга мурожаат қилиш орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин.

Ҳуқуқий механизмлар самарадорлиги учун жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва ҳуқуқий ҳимоядан тўғри фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан профилактика чораларини кучайтириш, рақамли саводхонлиқни ошириш ва кибербуллинг ҳақида маълумот бериш орқали унинг олдини олишга эришиш мумкин.

Ҳуқуқларингизни қандай ҳимоя қилиш мумкин?

Кибербуллингдан жабр кўрган шахсларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши қонуний, амалий ва профилактик чора-тадбирлардан иборат. Бунда жабрдийдаларга нафақат ҳуқуқий ҳимоя, балки жамоатчиликнинг ёрдами ҳам керак бўлади. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жараёнининг самарали бўлиши учун улар, биринчи навбатда, ўзларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган амалий қадамларни тушуниши керак.

Биринчидан, кибербуллингга дуч келган шахслар воқеаларни исботлаш учун далиллар сақлаб қолиш зарур. Бу ҳуқуқий ҳимояга йўл очувчи муҳим босқич ҳисобланади. Скриншотлар, ҳавоалар, таҳдидли ёки



таҳқирловчи хабарлар матнлари ва мультимедиа материаллари кибербуллингнинг далили сифатида хизмат қилиши мумкин. Мазкур далиллар кейинчалик суд ёки ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар учун асосий воcита бўлади.

Иккинчидан, жабрдийдалар шахсий маълумотларининг махфийлигини сақлашга



алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ҳар қандай ижтимоий тармоқ ва мессенжерда махфийлиги таъминлаш учун мос пароллардан фойдаланиш, профилдаги шахсий маълумотларни чеклаш, маълумотларни фақат ишончли фойдаланувчиларга очиб қаб чораларни қўлаш муҳим аҳамиятга эга. Кибербуллинг ҳолатида эса зарар етказувчи шахсларни тўсиб қўйиш (блокирлаш) ёки улар ҳақида платформанинг техник кўмак хизматидаги шикоят қилиш ҳам муҳим қадамдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш кибербуллингдан ҳимояланиш учун ишончли йўлдир. Ўзбекистон

этиш, маънавий зарар учун компенсация талаб қилиш ҳуқуқлари мавжуд. Жабрдийда шахс судга мурожаат қилиб, зарар етказувчининг жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий даъво киритишга ҳақли.

Қўшимча тарзда жабрдийдаларга психологик ёрдам керак бўлиши мумкин. Жамоат ташкилотлари, ёшлар марказлари ва хотин-қизлар кўмиталари жабрдийдаларга маслаҳат бериш ва уларни ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Бундай ташкилотлар ахборот тарқатиш, ҳимоя чораларини тушунтириш ва кибербуллингга дуч келган шахсларга манзилли ёрдам бериш орқали унга қарши курашда ўз ҳиссасини қўшади.

Профилактика ва таълим

Кибербуллингнинг олдини олиш учун жамиятда рақамли маданият ва ахборот саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик профилактика чоралари самарадорлигини оширади.

Интернет фойдаланувчиларининг рақамли саводхонлигини ошириш кибербуллингнинг олдини олишнинг асосий чораларидан биридир. Бунда, айниқса, ёшлар ўртасида интернетда хавфсизлик қоидалари ҳақида маълумот тарқатиш муҳим. Рақамли технологиялар вазирлиги бу жараёнда марказий ўринни эгаллайди. Ўқув дастурлари ва семинарлар орқали интернетда масъулиятли фаолият юритишни тарғиб қилишда шахсларнинг интернетдаги хавфсизлигини таъминлашга эришилади.

Мақтаб ва университетларда рақамли хавфсизлик бўйича махсус ўқув дастурларини жорий этиш профилактика жараёнининг муҳим қисмидир. Бундай дастурлар ёш

Давлат ва жамоат ташкилотларининг роли

Кибербуллингга қарши курашда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги жамиятдаги рақамли хавфсизлиқни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Давлат томонидан қабул қилинадиган қонунчилик ташаббуслари ва профилактика чоралари кибербуллингга қарши самарали механизмларни шакллантиради.

Ўзбекистонда киберхавфсизлиқни таъминлашга қаратилган миллий стратегиялар ишлаб чиқилмоқда. Рақамли технологиялар ва Ички ишлар вазирликлари ва бошқа тегишли органлар кибертаҳдидларга қарши чоралар кўришда фаол иштирок этмоқда. Давлат интернетда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида миллий хавфсизлик дастурларини жорий қилмоқда.

Кибербуллинг жабрдийдалари учун ишонч телефонлари ва ёрдам марказларини ташкил этиш давлатнинг муҳим ташаббусларидан биридир. Бундай марказлар жабрдийдаларга маслаҳат бериш, уларни ҳуқуқий ҳимоя механизмлари билан таъминлаш ва тегишли органларга мурожаат қилишда ёрдам беради.


Жамоат ташкилотлари ҳам кибербуллингга қарши курашда муҳим ўрин тутди. IT компаниялар уюшмаси, ёшлар ташкилотлари ва хотин-қизлар кўмиталари жамоатчилик орасида киберхавфсизлиқни тарғиб қилишда фаол иштирок этади.

Аёллар ва болалар каби ҳимояга муҳтож гуруҳларга қаратилган ташаббуслар алоҳида аҳамиятга эга. Мақтаб ўқувчилари ва талабалар учун махсус дастурлар, жамоатчилик учун очик семинарлар ва ахборот воситалари орқали маълумот тарқатиш кибербуллингга қарши курашда самарали қадамдир.

Дуал таълим

Билим ва амалиёт бирлашганда...

Жорий йилнинг 20 июнь куни Президентимиз раислигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда йилига 3 мингта саноат корхонаси ишга туширилиб, 150 минг атрофида иш ўрни яратилаётгани, шунга мутаносиб равишда давлат томонидан илм, таълим ва инновацияга эътибор қаратилаётгани таъкидланиб, аммо бу борадаги натижалар ва юқори малакали муҳандислар ҳали етарли эмаслиги, олий ўқув юртлиари билан саноат ўртасида узилиш борлиги танқид қилинганди.



Шунингдек, йиғилишда барча муҳандислик олийгоҳлари ҳамкор корхоналарида кафедралар очилиши ва дуал таълимни йўлга қўйиши, корхоналар кафедраларини жиҳозлаш, ўқитувчи ва талабаларни рағбатлантиришга маблағ ажратиши бўйича вазифалар берилган эди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Навоий машинасозлик заводи ҳамда Навоий давлат кончили ва технологиялар университети ҳамкорлигида очилган Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва инновацияни ривожлантириш маркази фаолияти бутунгун кунда бу тизим ниҳоятда самарали эканини амалда исботламоқда.

Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулотлари тури бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Ҳозир корхонада 3,5 мингдан ортиқ ишчи-ҳодим томонидан маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи 15 минг турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, заводда

тайёрланаётган ўта юқори аниқликдаги юксак сифатли металл конструкциялар, ускуна ва жиҳозлар ҳамда турли ўлчамдаги эҳтиёт қисмларга талаб тобора ошиб бормоқда. Завод айни вақтда Навоий кон-металлургия комбинати бўлиналарида турли русумдаги ускуналар, дастоҳлар ва уларга зарур эҳтиёт қисмлар етказиб берапти.

Инновацион лойиҳаларнинг амалиётга жорий этилиши ҳисобига нафақат корхона қуввати, балки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва сифати ҳам янада ошди. Пировардида маҳсулот турлари 14,7 мингдан ошиб, ҳозир корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 1 триллион сўмдан зиёдни ташкил этмоқда. Кейинги йилларда хориждан сотиб олинадиган 500 турдан ортиқ маҳсулот завод цехларида ўзлаштирилиб, ишлаб чиқаришга эришилди. Ютуқлар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунда корхонада фаолият кўрсатаётган малакали мутахассисларнинг бекиёс хизмати бор. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва иннова-

цион ривожлантириш маркази ташкил этилиши эса бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

— Бу ташаббус илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашда жуда аҳамиятлидир. Ҳозир комбинат эҳтиёжи учун зарур эҳтиёт қисмларнинг 80 фоизи маҳаллийлаштирилиб, шу заводда ишлаб чиқарилмоқда. Марказ фаолияти эса яна янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш имконини беради. Шунингдек, соҳа мутахассислари, олимлар ва талабаларнинг янги лойиҳалар ва ташаббусларини ўрганиш, ҳаётга таъбиқ этишда марказ фаолияти муҳим ўрин тутди, — дейди Навоий машинасозлик заводи бош муҳандиси ўринбосари Ботирали Юсупов.

Албатта, Навоий машинасозлик заводи-га керакли мутахассисларни Навоий давлат кончили ва технологиялар университети тайёрлаб беришини ҳисобга олганда ушбу марказ фаолияти ниҳоятда зарур ва самарали. Университетнинг энергомеханика факультети хузурида ташкил этилган марказга олийгоҳнинг 5 нафар тажрибали профессор ва доценти жалб этилган. 3 та ўқув, лойиҳалаш ва лаборатория хонаси зарурий ҳамда сўнгги русумдаги замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Бу эса талабалар ва ёш олимларга ўзаро фикр алмашиш, изланиш, соҳага доир ташаббусларини лойиҳалаш имконини беради. Бундан ташқари, марказда магистрантлар ва докторантлар учун лойиҳалар ишлаб чиқиш, ҳар хил намуналар яратиш,

шунингдек, сканерда маҳсулотларнинг 3D лойиҳасини компьютерга тушириш, ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилган.

— Ушбу марказ соҳадаги илмимизни янада оширишимиз учун айни мuddоа бўлди. Ҳозир корхонадаги металл кесувчи дастоҳлар динамикасини тадқиқ қилиш бўйича илмий иш қиялпман. Марказ эса бизга бу борадаги ишларни ташкил қилиш, амалда қўлаб кўриш имконини бермоқда. Бу ерда илмий ишнинг доирасида технологлар ва конструкторлар билан доимий алоқадамыз ва улар билан маслаҳатлашган ҳолда изланишдамыз, — дейди Навоий давлат кончили ва технологиялар университети докторанти Акмал Мамадиёров.

Навоий машинасозлик заводи Навбаҳор 2-политехникуми билан ҳам дуал таълим асосида ана шундай ҳамкорликни йўлга қўйган. Ёшлар 2-3 кун таълим муассасасида назарий билимларни ва 3-4 кун корхона ва ташкилотларда ҳақиқий иш жараёнларида амалий кўникмаларни эгаллайди. Профессионал таълим маскани ва корхонанинг бу борадаги ҳамкорлиги ушбу тизимнинг ҳам самарали эканини амалда исботламоқда. Жумладан, токарлик касби корхона фаолиятида энг зарур мутахассисликлардан. Шу йўналишда касб сирларини ўрганаётган ёшлар таълимни амалиёт билан бирга олиб бормоқда.

— Ҳозир 24 нафар ёшга касб сирларини амалиётда ўргатиб келмоқдамиз. Бу тизим жуда ҳам яхши самара берапти ва ёшлар касбни тез ўзлаштирмоқда. Улар назарий билимларини амалиётда замонавий токарлик дастоҳларида ишлаб, янада мустаҳкамламоқда. Келгусида бу ёшлар корхонамизда айнан шу касбда фаолият юритиши мумкин. Дуал таълим тизими эса уларнинг ушбу йўналишда бемалол ишлаб кетишини таъминлайди, — дейди Навоий машинасозлик заводи муҳандиси Достон Файзиёв.

Мамлакат иқтисодиёти ривожига йирик саноат корхоналари алоҳида ўрин тутди. Навоий машинасозлик заводида ана шундай корхоналар, айниқса, тоғ-кон саноатида зарур бўладиган импорт эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш ҳам ишлаб чиқаришда харажатларни камайтириш ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бу борадаги самарали тизим, яъни таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашгаётгани эса саноат учун малакали мутахассислар тайёрлаш, шу асосда янги инновацион лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этишга имкон бермоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун томошабинни ҳаётнинг моҳияти, умуминсоний туйғулар, умрбоқий тушунчалар, кундалик муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайдиган сахна асарлари яратиш вазифаси ўзининг навбатдаги кечиктириб бўлмас босқичига кўтариляпти.

Нуктаи назар

Тасраккурдаги инқилобий эврикалар акс этувчи платформа



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқимиз ноябрнинг иккинчи ярмида муҳим сиёсий воқеаларга гувоҳ бўлди. Президентимиз парламент йиғилишлари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 20 ноябрдаги мажлисида фундаментал нутқлар сўзлади. Жамиятимизнинг ўзини ватан, юрт равнақига дахлдор, деб билувчи илгор вақиллари маърузалар таъсири ва таҳлили билан банд бўлиб турганда давлатимиз раҳбари маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, хусусан, театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид тақлифлар тақдироти билан танишди. Тақдирот ҳам учала йиғилишдаги маърузада айтилган ва илгари сурилган тақлиф ҳамда ташаббусларнинг мантаний давоми бўлди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни қўллаш билан бирга, халқимизнинг маънавиятини ошириш, онгу тафаккурини ўзгартириш, умуман, янги замон кишини тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маърузаларда маънавиятни юксалтириш, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш мавзуси салмоқли ўрин эгаллади. Бажарилган ишлар, жорий ва истиқболдаги вазифалар чуқур танқидий таҳлил қилинди. Кўзланган мақсадларга эришишда янги таркибда иш бошлаган депутатлардан халқимиз катта натижалар кутаятгани таъкидланди. Ўз навбатида, энди Олий Мажлис фаолиятини натижадорликка йўналтириб, қонуний ваколатларидан аниқ мақсад йўлида, самарали фойдаланиш устида жиддий ишлаши зарурлиги ойдinлашди.

“Аввало, сиз, азизларни кучли рақобат, қизгин сиёсий кураш ва ошкоралик муҳитига ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати деган сарафли мақомга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бу юксак ишонч — сизларнинг бой билим ва ҳаётини тажрибангиз, юртимиз равнақи, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида қилаётган фидойи меҳнатингизга нисбатан халқимизнинг улкан ҳурмат ва эҳтирими ифодасидир”, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ўринда жонқуярлик билан айтилган яна бир иқтибосни келтириб ўтмасак бўлмас: “Депутат — бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, Ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир. Оила, маҳалла ва бутун жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқро майдонда Ўзбекистон манфаатларини қатъий ҳимоя қилишда халқимиз, барчамиз аввало сизларга таянамиз”.

Бугун сиёсий фаоллик ҳар қачонгидан ошган. Буни октябрда бўлиб ўтган сайловлар ва унгача кузатишган тарғибот-ташвиқот жараёни кўрсатиб берди. Депутатликка номзодлар

Ўзини оқлаган тажриба бу: янгича қараш, замонга мос ғоя ва қатъий режалар ватан равнақи, халқ фаровонлигига дахлдор ҳаракатларни, амалий натижаларни белгилаб беради. Режа пухта ва аниқ бўлмас экан, шунга мувофиқ ҳаракат ва фаолият юритилмас экан, бари кўкка совурилиши муқаррар. Ҳар қандай масалага онгли ёндашиш, илм-фан, рақамли ҳамда “яшил” иқтисодиётни тўла шакллантириб ривожлантириш, барча соҳа ва йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш — давр талаби. Буларсиз мамлакат тараққиёти ҳақида сўзлаш беҳуда.



Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрига “академик” мақоми берилишини билиб, миллионлаб санъат мухлислари қатори кўнглимиз ёришди. Тафаккурдаги инқилобий ўзгаришлар платформаси бўлган бу санъат тури ўзининг туб мақсади сари ташлаган дадил қадамлар залварли бўлишини ният қилдик.

Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч услубимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади. Айни вақтда биз жамиятимиздаги очилдик

Мазкур йўналишлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Ёдингизда бўлса, ижодкор зиёлилар билан 2017 йил 3 августдаги учрашув, 2021 йил 19 январдаги катта йиғилишда маънавият, адабиёт ва санъат ривожига доир жиддий мулоҳазалар билдирилган эди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ўтган йил 22 декабрдаги кенгайтирилган йиғилишида ҳам жуда салмоқли ташаббус ва тақлифлар кўтарилганди. Маънавий ҳаётимизда янги ислохотлар даврини бошлаб берган ушбу тарихий учрашувда маънавият, маърифат, маданият, санъат, адабиёт ва ижод соҳаларидаги ишлар танқидий-таҳлилий муҳокама қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланган эди.

Ҳўш, давлатимиз раҳбари маънавият, маърифат, маданият, адабиёт, санъат ривожига нега бу қадар жон куйдирмоқда? Нима учун одамларимиз онги ва қалбини бойитиш, маданий савиясини ошириш масалаларига давлат даражасида эътибор қаратиляпти? Айни жаба-ҳага салмоқли маблаг йўналтириляётганининг боиси нимада? Сабаби ушбу йўналишдаги ислохотларгина инсонларнинг ҳаётга қарашини ўзгартира олади. Эртанги кунга ишончини, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлайди. Қайси соҳада бўлмасин, белгиланган вазифаларни шунчаки, қўл учида ҳисси, сезгисиз бажаришни эмас, уларни онгли равишда, тафаккур чигиринидан чуқур ўтказиб, қалб амри билан, виждонан, ҳалол, мукаммал адо этиш кўнжмасини тарбиялайди.

Бир неча кун аввалги тақдиротда мутасаддилар маданият ва санъат, жумладан, театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш борасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари билан амалга оширилиши лозим бўлган ушбу чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятига яхшилаб аҳамият берсак, уларда халқимиз кўнгил тубидаги истаклар акс этганини кўрамиз.

Жумладан, сахна асарларини яратишда ижодий ҳамкорлик қўллаб-қувватланади, драматургия ва режиссёрлик янада ривожлантирилади, хусусан, театр драматурглари учун Маҳмудхўжа Бехбудий, ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофотлар таъсис этилади. Шунингдек, “Нигох” ижодий лойиҳаси йўлга қўйилиб, миллий академик мусика санъати бўйича композиторлар танлови ўтказилади.

2025-2030 йилларда театрларда “Миллий қаҳрамон” ва “Инсон қадри учун” мавзуларида туркум 32 спектакл яратилади. Маданият ва санъатнинг таълим

билан узвий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, талабаларнинг театрлардаги амалий машғулотини кўпайтириш, театр соҳасига оид илмий тадқиқотларга буюртма бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Театр актёрлари ва режиссёрлари, театршунос ва санъатшуносларнинг маҳорат мактаблари ташкил этилади. Театр танқидчилари ва драматурглар клуби фаолияти йўлга қўйилиб, қўллаб-қувватланади. Ҳар йили нодавлат театрларга ҳам давлат буюртмаси берилади. Умумий ва олий таълим муассасаларида ҳаваскор театр жамоалари тузилиб,

ёшларимизда ота-оналаримиз тез-тез театр — спектакллар томошасига борар, гоҳида биз ҳам уларга ҳамроҳ бўлардик. Мактаб давримизда аксарият театрлар репертуари бизга ёд бўлиб кетган эди. “Қиёмат қарз”, “Кузнинг биринчи кунини”, “Рўйхатларда йўқ”, “Ҳар тўқсанда бир айб”, “Отасининг қизини”, “Қора камар”... Ёки телевидение орқали ўқтин-ўқтин бериладиган “Олтин девор”, “Келинлар қўзғалони”, “Парвона” ва бошқа спектакллари такрор-такрор томоша қилишдан зерикмасдик.

Матбуотда муҳбир сифатида энди иш бошлаган кезларим Республика ёш томошабинлар театри қайсидир халқаро фестивалда совриндор бўлиб қайтди. Тахририят топширини билан бу янгилик ҳақида хабар тайёрлаш учун Ўзбекистон халқ артисти Обид Толиповнинг хузурига бордим. Сўхбат асносида у мени фестивалда қатнашган узок ва яқин давлатларнинг бир неча театр жамоалари рўйхати билан таништирди.

— Рўйхатга бир аҳамият беринг-а, — деди Обид ака. — Қаранг, уларнинг аксарияти “академик театр” ёки “катта театр” мақомига эга. Нима, бизда бундай даражага етган ижодий жамоалар йўқми? Фақат битта “академик” ва битта “катта” театримиз мавжуд. Аслида, бу талабга жавоб бера оладиган ўнлаб театримиз, салоҳиятли ва иқтидорли катта актёрларимиз кўп. Масала уларни юзга чиқаришда.

Ушанда ёшлигим ва малакам етарли бўлмагани боис, гапнинг моҳиятига тўлиқ етмаган бўлишим мумкин. Аммо вақт ўтиб, касбим тақозосига кўра санъат олами билан яқиндан танишиш борганин сайин халқ артистининг куйинчаклик билан айтган ўкинчи айни ҳақиқат эканини англадим. Кечаги тақдирот ҳақидаги хабардан келгуси йилдан Ўзбекистон театр жамоаларининг миллий рейтингини тузилиши, худудлардаги театр бинолари мукаммал таъмирланиб, замонавий технологиялар асосида модернизация қилиниши, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрига “академик” мақоми берилишини билиб, миллионлаб санъат мухлислари қатори кўнглимиз ёришди. Тафаккурдаги инқилобий ўзгаришлар платформаси бўлган бу



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

улар ўртасида танловлар ўтказилади. Ёшларнинг театрларга мунтазам боришини назарда тутувчи “Театр — ибратхонадир” дастури амалга оширилади.

— Соҳага замонавий техника ва технологияларни татбиқ этиш, ўзига хос декорацияларни олиб кириш, маркетингнинг жозибадор усул ва услубларидан фойдаланиб, томошабинлар диққат-эътиборини тортиш галдаги вазифаларимиздан, — дейди маданият вазيري Озодбек Назарбеков. — Театр — юрагимиз, жамиятимиз кўзгуси, қалбимизни улғайтириб, руҳиятимизни бойитадиган маскан. Президентимиз мана шу ҳолатни чуқур ҳис қилиб, халқимизни театрга қайтариш учун қатор чораларни белгилаб берди.

санъат тури ўзининг туб мақсади сари ташлаган дадил қадамлари залварли бўлишини ният қилдик.

Бугун томошабинни ҳаётнинг моҳияти, умуминсоний туйғулар, умрбоқий тушунчалар, кундалик муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайдиган сахна асарлари яратиш вазифаси ўзининг навбатдаги кечиктириб бўлмас босқичига кўтариляпти. Инчунин, халқимиз, айниқса, фарзандларимиз онгига ватанга муҳаббат, юртимиз келажагига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғусини кучайтиришда маданият ва санъат аҳлининг ўрни ва таъсири беқиёс.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 4191

4157 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова

Мусахҳас: Шерзод Маҳмудов

Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй